ЗАМОНАВИЙ ПУБЛИЦИСТИКАДА МУАММО ВА УНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Нигора УСМОНОВА
Мустақил изланувчи
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Муаммо – кенг маънода ўрганиш, ечим топишни талаб этадиган мураккаб назарий ёки амалий масаладир. Ушбу мақолада муаммо, муаммонинг турлари, муаммони аниқлаш ва таснифлашдаги талаб ва вазифалар ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар: муаммо, муаммонинг турлари, муаммо таҳлили, муаммоли материал, ёндашувлар.

ПРОБЛЕМА И ЕЕ ОСВЕЩЕНИЕ В СОВРЕМЕННОЙ ЖУРНАЛИСТИКЕ

Нигора УСМАНОВА
Независимый исследователь
Университет журналистики и массовых
коммуникаций Узбекистана
Тошкент, Узбекистан

Аннотация

Проблема – это, в широком смысле, сложный теоретический или практический вопрос, требующий решения. В данной статье рассматриваются проблема, типы проблем, требования и задачи при выявлении и классификации проблем.

Ключевые слова: проблема, типы проблем, анализ проблемы, проблемный материал, подходы.

Муаммо – камчилик, жумбоқ, ҳал этилмаган масалалар сингари маъноларни англатса-да, уни ҳар ким ўз тушунчасидан ёки ўзи дуч келган аниқ вазиятдан келиб чиқиб тавсифлайди. Шунингдек, журналистика назариясида муаммога илмий асосланган ёндашувлар ҳам мавжуд. Айрим тадқиқотчилар муаммога “эскилик билан янгилик ўртасидаги тўқнашув”, деб таъриф беришса, бошқалар “жавоби берилиши шарт бўлган савол”, дейишади. Назарий адабиётларда муаммога “билмаслик ҳақида билим”, содир бўлган ҳаракатларда жамоатчилик онги ва жамоатчилик амалиёти учун номаълум

бўлган ижтимоий эҳтиёжларнинг ривожланишига ўйлаб кўрилмаган ва ўзига хос тўсиқлар ҳақида билимдир [3;350], деб таъриф берилган. Шунингдек, “ҳар қандай қарама-қаршилик ўртасида муаммо туради”, “эҳтиёж ва хоҳиш ўртасидаги тўсиқ”, дегувчилар ҳам бор. Кўринадики, муаммога берилган таъриф айнан бир хил эмас. Муаммо кўпроқ ҳолат, вазият, шароит ва имкониятга боғлиқ ҳолда юзага келадиган тўсиқ, қарама-қаршиликдир [6;185].

Муаммо – кенг маънода ўрганиш, ечим топишни талаб этадиган мураккаб назарий ёки амалий масаладир; фанда – ҳар қандай ҳодисани, объектни, жараёнларни тушунтиришда бир-бирига зид қарашлар кўринишида пайдо бўладиган ва уни ҳал қилиш учун муқобил назария талаб этиладиган қарама-қарши вазият; ҳаётда муаммо инсонлар учун тушунарли шаклда шакллантирилади: “Мен нимани биламан, қандай қилишни билмайман”, яъни нимани олиш кераклиги маълум, аммо буни қандай амалга ошириш лозимлиги номаълум.

Муаммо ҳам мавзу сингари журналист асари мазмун, моҳиятининг тавсифини белгилайди. У биргина фактни эмас, балки фактлар тизимини ифодалайди ва анча мураккаб тузилмадан иборат бўлади. Муаммо ва муаммоли вазият бир хил эмас. Биринчиси иккинчисини келтириб чиқаради, журналист муаммони очиб беришида эса ёндашув статик эмас, динамик ҳолатда бўлади. Муаммо ҳаётнинг номаълум томони ва хоссаси ҳақидаги маълумот. Журналистик асарда қўйилган мақсадга эришиш учун журналист уни чуқур идрок этиши лозим. Бошқача айтганда, у биз эга бўлганимиз билан хоҳлаганимиз ўртасидаги номутаносибликдир. Муаммони илгари суриш ва жамоатчиликни уни ҳал этишга тайёрлаш – журналистнинг асосий вазифаларидан бири. Журналистика материалида муаммо, одатда, ижтимоий-сиёсий тус олади, жамият ривожидаги зиддиятларни ифодалайди; бу зиддиятларни бартараф қилиш эса истиқболдаги тараққиёт учун зарур ҳисобланади.

Журналистик асардаги муаммога ҳам илмий, ҳам амалий нуқтаи назардан қараш мумкин. Турмуш зиддиятларига тўқнаш келган журналист

жамоатчилик вакили сифатида уларни бартараф этиш учун самарали йўл излайди. Лекин шундай ҳам бўладики, журналист муаммони кўтаради, бироқ уни ҳал этиш тубдан илмий ёндашишни талаб этади. Кўпчилик журналистлар амалий муаммолар билан шуғулланадилар, гарчи мақсадга эришиш учун самарали тактик йўл топиш зарур бўлса-да. Аммо "кўпинча асарда ҳам илмий, ҳам амалий муаммолар қўшилиб кетади. Бундай ўзаро боғлиқликда масалаларни асосли ҳал этиш манбаи катта ижтимоий аҳамият касб этади" [2;25].

Муаммоли материал тайёрлашда журналист, албатта, муаммонинг жамият ҳаётида қандай аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиши керак. Ўрганилаётган муаммо глобал масалаларни қамраб олганми ёки ижтимоий ҳаётдаги кичик масалалар билан чекланганми? Умуман, инсоният ҳаётига тегишли бўлган глобал муаммоларни ёритиш катта меҳнат, билим, маҳорат талаб этади. Бунда муаммони чуқур ўрганиш, мутахассислар билан суҳбатлашиш, аниқ факт-далиллар тўплаш, ҳар томонлама ёндашув муҳим ҳисобланади. Муаммони ёритишда унинг қандай муаммо эканини англаш муҳим саналади. Шу маънода муаммонинг турларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. *Глобал муаммолар:* ҳаёт сифати – экология, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва энергия ресуслари (иссиқлик, ёритиш, транспорт ва бошқалар); демографик инқироз истиқболлари (Ер юзида аҳоли сонининг кескин ўзгариши); ўрмонларнинг йўқ қилиниши; жиноятлар; Ер юзига нисбатан жоҳилона муносабат.

2. *Мамлакатлардаги муаммолар:* очлик (озиқ-овқат етишмаслиги); хом ашёнинг етишмаслиги (сув ва бошқалар); иқтисодий муаммолар (меҳнат бозоридаги муаммолар ва бошқалар); коррупция; иқтисодиётнинг товар табиати (хом ашё базасидан ўринли фойдалана олмаслик).

3. *Минтақалар, шаҳарлардаги муаммолар:* ижтимоий соҳадаги муаммолар; уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги муаммолар; транспорт

инфратузилмаси муаммолари (йўллардаги тирбандлик), йўлларнинг носозлиги, кенглиги етарли эмаслиги; йўл транспорт ҳодисаларининг кўплиги.

4. *Ташкилотлар (фирмалар) муаммолари:* кадрлар билан боғлиқ муаммолар; маҳсулотга бўлган талабнинг пасайиши.

5. *Шахсларга оид муаммолар:* иш билан таъминлаш; уй-жой; соғлиқ; оила.

Бундай мазмундаги материал тайёрлаш жараёнида ғоянинг юзага келишида баъзи муаммолар учраши мумкин. Е.П.Прохоровнинг фикрича, ғоянинг муаммоли тамонлари – объектнинг шундай томоники, юзага келган "бўшлиқ", масалан, қарама-қарши фикрларга йўл қўйилган ва олинган билимни янгича ёритишга ёрдам берадиган номаълум алоқалар, муносабатлар ҳақидаги мумкин ва ҳатто зарур маълумотлар. Ва қачонки ғояда мавзуий ва муаммоли томонлар ажралиб тура бошлаганда ва улар тўқнашганда ёзилажак асарнинг мафкуравий томони юзага келади, шунда публицистда тўғри қуролланганлик тўғрисида савол туғилади [5;243-245].

Рус олими Г.Лазутинанинг фикрича, реал вазият билан кенг кўламли муаммо ўртасидаги муносабатлар турлича бўлади, яъни вазият ушбу муаммони ҳал этишни ўз ичига олиши, унинг бир қисми бўлиши ва шундагина у муаммони ўрганишда янги манба вазифасини ўташи мумкин (унинг оқибатида юзага келиш, кутилмаган ҳолатлар ва б.); вазият таркибида муаммони ҳал этиш тажрибаси бўлиши ва шундагина у ушбу тажриба ҳақида хабар бериши мумкин; вазият зиддиятли бўлиши, долзарб, лекин ҳал этилмаган муаммолар оқибатини ифодалаб, ушбу оқибат ва инсонлар ҳулқ-атворига баҳо беришда сабаб ва дарс бўлиши мумкин [4;62-64].

Муаммо таҳлили муаллифга уни тўлиқ англашга ва ҳал қилиш учун амалий тавсиялар беришга имкон туғдиради. Бундан ташқари, муаммоларни таҳлил қилиш муаммонинг даражасини, кўламини белгилайди ва унинг ҳақиқатан ўрганилаётган объект билан боғлиқлигига аниқлик киритади. Муаммолар таҳлили жараёнида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Муаммони аниқлаш ва таснифлаш.

2. Муаммо ечимига эҳтиёжманд бўлган жараён қатнашчиларини аниқлаб олиш. Иштирокчиларни ўрганиш журналистга муаммо ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлишда кўмак беради. Иштирокчилар муаммо туғилган муҳитни, содир бўлган жойни ўрганишга ёрдам беради. Бу жараёнда ички маълумотларни йиғишга киришилади. Жараён қатнашчилари билан суҳбатлашилиб, ҳужжатларни ёки воқеа-ҳодиса жойини ўрганилади. Албатта, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг тарихини ўрганиш, қатнашчиларнинг таржимаи ҳолини суриштириш муаммони чуқур англаш, янада кўпроқ маълумотга эга бўлишда муҳим. Ўрганилаётган муаммо қачон пайдо бўлгани, қачондан авж ола бошлагани, ундаги иштирокчилар сони қанчалиги аниқлаб олинади. Сўнгра ички ва ташқи иштирокчиларнинг муаммо нимадан ташкил топгани тўғрисидаги фикрлари ўрганилади.

Тадқиқот муаммога қисқача кириш сўзи ёзишдан бошланади. Унда муаммони ташкил этган ички қисмлари ўрганилади. Кириш қисми муҳокама қилинадиган барча муаммолар ёки бир муаммонинг турли қирралари тўла-тўкис ва асосий қисмда бериладиган тартибда бўлиши лозим. Тадқиқотнинг бир қисми, албатта, воқеа қатнашчилари билан суҳбатга ажратилиши керак. Муаммони ўрганишнинг қолган қисмлари эса ҳужжатларни ўрганиш, воқеа-ҳодисалар бўлиб ўтаётган ёки бўлиб ўтган жой ва муҳитни ўрганишдан иборат бўлиши мумкин.

Тадқиқотнинг ҳар бир қисмини, муаммони ўрганиш жараёнидаги кетма-кетликда бўлганидек таҳлил қилиш лозим. Шунда ўқувчи воқеалар занжирини қийналмай англаб олади.

Журналист ўз хулосалари асосида ўзи тўғри деб билган натижаларни таҳлил қилади. Албатта, муаммо мавжуд эканлигини яна бир бор аниқлаб олиб, уни ўрганиш жараёнида келган хулосаси ҳамда муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилади. Ёки, аксинча, ҳеч қандай муаммо йўқлигини таъкидлайди. Муаммо сифатида назарда тутилган, лекин аслида муаммо эмаслиги аён бўлган ҳодисани аниқлайди ва бу қарори ўтказилган тадқиқот

натижаси эканлигини асослаб беради. Журналист текширувларига асосланиб, факт деб тан олган натижалар асосида хулоса чиқаради.

Муаммони ечишга ёрдам берадиган тавсиялар аниқлаб олинади. Ҳар бир тавсия муаммо таснифидан бошланиши лозим. Ҳар бир тавсияни рақамлаб олиб, уларнинг кетма-кетлиги таъминланади.

Мақолани ёзиш жараёнида қайд этиладиган биринчи масала – ечимини топиш керак бўлган муаммони аниқлаб олишдир. П.В.Андерсоннинг “техниккоммуникация: ўқувчига йўналтирилган услуб”ига кўра, мақола ёзишда ёрдам берувчи асосий шартлардан бири – ҳар бир бўлимда жавоби берилиши керак бўлган қуйидаги саволларни аниқлаб олишдир:

1)Кириш – мақолани ўқиш орқали ўқувчилар нималарга эга бўлишади?

2)Фактларни олиш усули – фактлар қай даражада ишончли эканлигини аниқлаш.

3)Фактлардан – ўқувчилар учун қандай фойдали маълумотни топдингиз?

4)Мунозара – ўқувчи нуқтаи назаридан фактлар қандай ишлайди?

5)Хулоса – фактлар нима сабабдан ўқувчи учун муҳимлигини аниқлаш.

6)Тавсиялар – ўқувчилар нима қилиши керак, деб ўйлайсиз?

7)Қўшимчалар – мақоланинг қулайлиги ва таъсирчанлигини ошириш учун ушбу унсурлардан фойдаланилади.

Муаммолар чуқур ўрганилгандан сўнг матн ёзишга киришилади. Муаллиф матн ёзиш жараёнида унинг ифодавий композициясини ҳам ўйлайди. Матн структурасини ташкил этувчи ҳар бир қисмнинг ўзига хос талаб ва вазифалари мавжуд.

Айрим мақолалар учун кириш фақат бир ёки икки жумладан иборат бўлиши мумкин. Шунингдек, ҳажман катта таҳлилий материалларда кириш бир неча саҳифадан иборат бўлади. Кириш мақола қисқача баён қилинадиган қисм сифатида тушунилади.

Кириш ўқувчига мақоланинг асосий йўналишини англашига ёрдам бериши ва мақолани ўқиганда нималарга аҳамият бериш, нималар муҳимлигини кўрсатиб бериши керак. Киришдан ўқувчи мақолани ўқиб нималарни олиши мумкинлигини англайди. Киришда мақолада очиб берилиши мақсад қилинган муаммо тушунтирилиши керак. Жумладан, қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим:

1. Ушбу мақолада қандай муаммо очиб берилади?
2. Бу муаммони очишда қандай ҳаракатлар амалга оширилди?
3. Ўқувчилар ушбу муаммони ҳал қилишда мақолада келтирилган маълумотларни қай тарзда қўллаши мумкин?

Шунингдек, кириш қисмида публицистнинг асосий фикрлари баён қилинади. Бундан ташқари, кириш қисмида мақоланинг тузилиши, унинг кўлами белгиланиши асарнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлайди.

Натижалар ўқувчилар учун мақоланинг энг қимматли қисмидир. Публицистнинг асосий мақсади тадқиқот асосида натижаларни топиш ва уларни аниқ, самарали тарзда етказиб беришдан иборат. Натижаларни кўрсатиб бериш учун жадваллар, график воситалар, матнлар ва расмлар келтирилиши мумкин. Изланишлар жараёнида ўрганилган ва ўқувчига етказилиши зарур бўлган ҳар қандай маълумот берилиши керак. Маълумотлар санасининг қаердан олинганини текшириб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш керак. Ушбу қисмда маълумотни содда ва тавсифловчи ҳолда ифодалаш лозим. Натижалар таҳлилини эса мақоланинг мунозара қисмига қолдирган маъқул.

Мақоланинг мунозара қисми – бу натижалар шарҳланадиган қисм. Матннинг натижалар қисмида жадваллар ва график воситалардан бошқа нарса бўлмаслиги мумкин. Ушбу қисмда юқорида келтирилган жадвал ва график воситалар ҳақида маълумот ва уларнинг ўрганилаётган муаммо билан қай тарзда боғлиқлиги изоҳлаб берилади. Шунингдек, олиб борилаётган мунозара жараёнида ушбу натижалар нимани англатиши изоҳланади. Баъзи матнларда,

асосан, қисқа материалларда, маълумотни қисқартириш ва соддалаштириш учун мунозара ва натижалар қисми уйғунлаштирилади.

Хулоса қисмида натижалар муҳимлиги сабаби ва ўқувчига қандай таъсир қилишига изоҳ берилади. Келтирилган фактларни сарҳисоб қилиш ва муаммони такрорлаш яхши натижа беради, шунда ўқувчи журналист изланишлари муҳимлигини англаб олади. Хулоса, одатда, харакатлар учун тавсиялар бермайди, аммо ўқувчини бу ҳақда ўйлашга мажбур қилади.

Демак, муаммоли материал тайёрлаш учун муаллиф бир неча талаб ва қоидага амал қилиши зарур. Муаммоли материал тайёрлашдан мақсад муаммо ҳақида “бонг” уриш эмас, балки ушбу муаммони ўрганиш ва ҳал этишга ёрдам беришдир. Бунинг учун чуқур ва ҳар тамонлама ёндашув талаб этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Васильев В.П. Методология и методика конкретных социологических исследований СМИ и пропаганды. – Москва: Наука, 1986.

2. Ирназаров Қ.Т. ва бошқалар. Ҳозирги замон журналистикаси. – Тошкент: Алоқачи, 2008. – 304 б.

3. Ким И.Н. Теория и практика массовой информации. Учебник для вузов. Стандарт третьего поколения. – СПб.: Питер, 2017. – 320 с.

4. Лазутина Г. Параметры журналистского текста // Журналист. 1997. – №8. – С. 62-64.

5. Прохоров Е.П. Искусство публицистики. – Москва: Советский писатель, 1984. – 250 с.

6. Тошпўлатова Н.Қ. ва бошқ. Босма оммавий ахборот воситаларида жанрлар ва маҳорат масалалари. V жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 248 б.

7. Учёнова В.В. Творческие горизонты журналистики. – Москва: Мысль, 1976. – 204 с.